

Хакимов Б.Ж.

Тошкент молия институти профессори

Чориев И.Ҳ.

Тошкент молия институти катта ўқитувчиси

Мавлонов Н.Н.

Тошкент молия институти катта ўқитувчиси

Фойдани оширишда маҳаллийлаштириш омилининг таъсири

ХАКИМОВ Б.Ж., ЧОРИЕВ И.Ҳ., МАВЛОНОВ Н.Н. Фойдани оширишда маҳаллийлаштириш омилининг таъсири

Республикамизда амалга оширилаётган маҳаллийлаштириш тадбирлари миллий иқтисодиёт учун давр талаб этаётган янги муносабатларнинг энг муҳимларидан биридир. Шу сабабли, бугунги кунда маҳаллийлаштиришнинг барча жиҳатлари илмий ўрганилиши жуда ҳам зарур. Бизнинг фикримизча, маҳаллийлаштирилган маҳсулотларнинг ижтимоий-иқтисодий нафлигининг ҳамма томонлари махсус иқтисодий фанларда чуқур ҳамда кенг кўламда ўрганилиши даркордир.

Таянч иборалар: рақобатдош иқтисодиёт, модернизация, маҳаллийлаштириш, маҳаллийлаштириш дастури, маҳаллийлаштирилган маҳсулот, маҳаллийлаштириш даражаси, маҳаллийлаштирилган маҳсулот таҳлили, кўрсаткичлар тизими, ахборот манбаи, анъанавий тартиб.

ХАКИМОВ Б.Ж., ЧОРИЕВ И.Ҳ., МАВЛОНОВ Н.Н. ВЛИЯНИЕ ФАКТОРА ЛОКАЛИЗАЦИИ НА УВЕЛИЧЕНИЕ ДОХОДА

Мероприятия по локализации, реализующиеся в республике, являются одними из важнейших и новых отношений, которые требуют современных условий национальной экономики. Поэтому необходимо исследовать все особенности локализации в настоящее время. Мы считаем, что необходимо глубоко изучить социально-экономические выгоды локализованной продукции в специальных экономических науках.

Ключевые слова: конкурентоспособная экономика, модернизация, локализация, программа по локализации, локализованная продукция, уровень локализации, анализ локализованной продукции, система показателей, источники информации, традиционный порядок.

XAKIMOV B.J., CHOREV I.X., MAVLONOV N.N. THE LOCALIZATION FACTOR'S EFFECT IN PROFIT INCREASE.

The measures on localization that have been implemented in the republic are in the list of the most essential and new relations. Consequently, it is necessary to research all the peculiarities of localization nowadays. In our opinion, the aspects of social-economic benefits of localized products should be studied profoundly in special economic sciences.

Keywords: competitive economy, modernization, localization, localization Program, localized product, level of localization, analysis of localized product, indicators system, information source, traditional order.

Асримизнинг иккинчи декадасида янада авж олган глобаллашув ҳамда халқаро интеграция туфайли юзага келаётган янги муносабатлар – ҳар қандай мамлакат иқтисодиётида, ҳатто унда жойлашган кичик бир корхона фаолиятида ҳам эътиборга олинмоқда ёки улар чуқур ўрганилмоқда. Жумладан, корхоналарда таҳлил воситасида халқаро ва миллий, объектив ва субъектив, ички ва ташқи ҳамда шу каби асосий талаблар ўзаро уйғунлаштирилиб бизнес қарорлар қабул қилинмоқда. Бу эса ривожланган бозор иқтисодиётини инновацион янгиликларга асосланган даврида ёки доимо кучли рақобат мавжуд шароитда субъектларнинг узлуксиз ва самарали фаолият юритишлари учун ўта зарур.

Илмий тадқиқот ишларимиз натижаларидан маълум бўлдики, бу борада ҳар бир мамлакат ўзининг узоқ ва ўрта муддатли стратегияларига ҳамда улардан келиб чиқадиган турли тактикаларига эга эканлар. Мана шундай аниқ мақсаднинг мажудлиги ҳамда белгиланган вазифаларнинг бажарилиши муайян мамлакат ва ундаги корхоналар иқтисодиётининг ривожланишида асосий омиллардан бири бўлмоқда.

Жонажон республикамизда ҳам буюк давлат қуриш йўлида кўплаб ишлар амалга оширилди ва бу ҳаракат кенг кўламда давом эттирилмоқда. Ҳар томонлама асосланган ҳамда самарали тадбирларни узлуксиз амалга оширилиши туфайли, Ўзбекистон Республикасида эришилаётган маъқул жиҳатлар ва ютуқлар¹ халқаро майдонда ҳам эътироф этилмоқда. Миллий иқтисодиётда маҳаллийлаштириш тадбирларини кенг кўламда йўлга қўйиб, уларнинг узлуксиз давом эттирилиши мамлакатимизда рақобатдош иқтисодиётни шакллантириш² йўналишидаги муҳим ишлардан биридир. Бу борадаги тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида 2013 йилнинг 9 ойи давомида мамлакатимизда “Маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларининг ҳисоблаб чиқилган

импортнинг ўрнини босиш самараси 4 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги 39,7 фоизга ўсиши таъминланади”³ ҳамда бошқа кўплаб ижобий натижаларга эришилади. Шу сабабли ҳам, Республикамиз иқтисодиётида маҳаллийлаштиришга оид турли тадбирлар янада кўпайтирилиб, улар ўз вақтида амалга оширилмоқда. Натижада эса мамлакатимиз бозорлари янада тўйинмоқда, ички бозоримизда импорт товарлар ўрнини босувчи янги турдаги маҳаллий маҳсулотлар пайдо бўлмоқда, юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда, даромадлар ошмоқда, аҳоли учун янги иш ўринлари яратилмоқда, иқтисодиётдаги хорижий валюта чиқимини камайтириш ҳамда киримини кўпайтириш масалаларига ижобий таъсир этмоқда, корхоналаримизнинг узлуксиз ривожланиши кабиларга эришилмоқда. Демак, маҳаллийлаштириш тадбирларини миллий иқтисодиёт учун талаб этилаётган янги муносабатларнинг энг муҳимларидан бири деб қараб, унинг барча жиҳатлари илмий ўрганилишини давр тақозо этмоқда. Бундан мақсад мазкур тадбирнинг мазмун-моҳиятини янада тўла ва чуқур билиб, уни амалиётга тўғри ва самарали татбиқ этишдир.

Яна бир муҳим ҳолат, мамлакатимиздаги маҳаллийлаштирилган корхоналар фаолияти, маҳаллийлаштирилган маҳсулотларнинг иқтисодий самарадорликлари ҳамда бошқа ижобий жиҳатлари махсус иқтисодий фанлар томонидан давр талаблари асосида етарлича

¹ Каримов И.А. 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. // www.president.uz

² Каримов И.А. 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. // “Халқ сўзи” газетаси, 2012 йил 20 январь, №14.

³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси тўғрисида ахборот. 2013 йил 22 октябрь. // “Халқ сўзи” газетаси 2013 йил 23 октябрь, № 207.

1-жадвал. "SAMO" МЧЖда "Антигриппин №10" маҳсулоти бўйича кўрсаткичлар динамикаси¹

№	Кўрсаткичлар	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил
1	Маҳсулот бирлиги баҳоси, сўм	712	764	795	820
	Ўсиш суръати				
	а) базисли	1	1,07	1,12	1,15
	б) ўтган йилга нисбатан		1,07	1,04	1,03
2	Сотилган маҳсулот миқдори, дона	350310	446931	580590	755355
	Ўсиш суръати				
	а) базисли	1	1,28	1,66	2,16
	б) ўтган йилга нисбатан		1,28	1,30	1,30
3	Маҳсулот бирлиги таннархи, сўм	625	553	538	519
	Ўсиш суръати				
	а) базисли	1	0,88	0,86	0,83
	б) ўтган йилга нисбатан		0,88	0,97	0,96
4	Маҳсулот бирлиги фойдаси (1 сатр-3 сатр)	87	211	257	301
	Ўсиш суръати				
	а) базисли	1	2,43	2,95	3,46
	б) ўтган йилга нисбатан		2,43	1,22	1,17
5	Маҳаллийлаштириш даражаси, %	0	48,58	51,7	53,69
	Ўсиш суръати				
	а) базисли		1	1,06	1,11
	б) ўтган йилга нисбатан			1,06	1,04

ўрганилмаяпти. Чоп этилаётган дарсликлар, ўқув қўлланмалар, мақолаларда, илмий тезислар ва ишларда комплекс ҳамда тизимли тавсияга эга материаллар мавжуд эмас. Чоп этилганлари эса у ёки бу объект бўйича ахборот тавсифи тарзида баён қилинган, холос.

Бизнинг фикримизча, маҳаллийлаштирилган маҳсулотларнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги кабилар барча махсус иқтисодий фанлар томонидан чуқур ҳамда кенг кўламда ўрганилиши зарур. Бу эса бу борадаги билимларимизни янада ошириб, бизнес объектларни узлуксиз такомиллаштириш имконини беради.

Маълумки, бизнесда энг асосий натижа имкон қадар кўпроқ фойдага эришишдир. Фойда эса кўплаб омилларнинг уйғунлашуви таъсирида шаклланади ва олинади. Ҳар бир омилнинг табиий, ижтимоий ва иқтисодий табиатини билиш, уларга таъсир этиш воситаларини топиш, уларни олдиндан кўра олиш, миқдоран ўлчаш ва режалаштириш, фаолият давомида тўғри бошқариш ва назорат этиш, ишлатилмаган имкониятларни топиш ва салоҳиятдан максимал фойдаланиш кабилар пировард натижада фойда ҳажмини илмий белгилаш ва уни қўлга киритишдаги муҳим ёндашувлар ҳисобланади.

Худди шу жойда саволлар туғилади. Ҳўш, корхоналарда маҳаллийлаштириш тадбирлари туфайли ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар қанча фойда келтирмоқда? Ёки, корхоналарда фойда ҳажми ўзгаришига айнанан маҳаллийлаштириш тадбири қандай ва қанча миқдорда таъсир этмоқда? Бугунги кунда уларни аниқлаш ва ҳисоб-китоб усуллари мавжудми?

Илмий тадқиқот натижаларидан маълум бўлдики, айнан юқоридаги саволлар ҳамда маҳаллийлаштириш тадбирларига тегишли жуда кўп бошқа масалаларга махсус иқтисодий фанлар, мақолалар, илмий-ишларда етарлича жавоб ҳамда мақбул ечимлар берилмаган. Ваҳоланки, маҳаллийлаштириш жараёнларини турли томондан ва кенг кўламда ўрганиш, уларни билиш ҳозирги даврнинг долзарб ва зифаларидан ҳисобланади.

Юқоридаги саволларга жавоб топиш мақсадида Зангиота туманида жойлашган "SAMO" МЧЖ маълумотлари асосида маҳаллийлаштириш омилининг фойдага таъсирини ўрганиб, таҳлил қилиб чиқамиз.

1-жадвал маълумотларида "SAMO" МЧЖда "Антигриппин №10" маҳсулоти бўйича кўрсаткичлар динамикасининг 2010 йилга нисбатан ўзгаришлари акс этган. Корхонада ушбу маҳсулот 2011 йилдан бошлаб маҳаллийлаштириш асосида ишлаб чиқарила

¹ Манба: Зангиота туманидаги "SAMO" МЧЖ ҳисоб тизими маълумотлари.

2-жадвал. "SAMO" МЧЖда "Антигриппин №10" маҳсулоти бўйича фойданинг шаклланишига маҳаллийлаштиришнинг таъсири¹

№	Кўрсаткичлар	2012 йил		2013 йил		Ўзгариши	
		минг сўм	%	минг сўм	%	минг сўм	%
1.	Маҳсулот қиймати	461569,1	100	619391,1	100	157822	-
2.	Маҳсулот таннархи	312357,4	67,6	392029,2	63,29	79671,8	-4,38
2а	Жумладан, импорт қилинган хом ашё бўйича божхона имтиёзлари	51671,1	11,19	61729,1	9,97	10058	-1,23
2б	Импорт қилинадиган материаллар ва маҳаллий материаллар баҳосидаги тафовут	149,7	0,03	181,6	0,03	31,9	-
3.	Маҳсулот фойдаси (1-сатр-2-сатр)	149211,7	32,33	227361,9	36,71	78150,2	4,38
4.	Солиқ имтиёзлари	23078,45	5,00	30969,56	5,00	7891,11	-
5.	Жами фойда (3-сатр+4-сатр)	172290,15	37,33	258331,46	41,71	86041,31	4,38
5а	Жумладан, маҳаллийлаштириш имтиёзлари ҳисобига (2а-сатр+2б-сатр+4-сатр)	74899,25	16,23	92880,26	15,00	17981,01	-1,23

бошланган. Бунинг натижасида мазкур маҳсулотни сотиш ҳажмининг юқори суръатда ўсиши, таннархининг эса пасайишига эришилган. Базис даврига нисбатан маҳсулот фойдасининг ўсиши 3,46 коэффицентни ташкил қилганлиги маҳаллийлаштиришнинг корхона учун нақадар юқори самара келтирганлигини изоҳлайди. Шунингдек, корхонада маҳсулотнинг маҳаллийлаштириш даражасининг базис даврига нисбатан 1,11 коэффицентга ўсишини ҳам ижобий баҳолаш мумкин.

Қуйидаги жадвалда "Антигриппин №10" маҳсулоти бўйича фойданинг шаклланишига маҳаллийлаштириш омилининг таъсирини кўриб чиқамиз.

"SAMO" МЧЖ да "Антигриппин №10" маҳсулоти бўйича маҳаллийлаштиришнинг фойданинг шаклланишига ижобий таъсири қуйидаги йўналишларда намоён бўлмоқда:

маҳсулот таннархига киритиладиган импорт қилинган хом ашё бўйича божхона имтиёзлари;

импорт қилинадиган материаллар ва маҳаллий материаллар баҳосидаги ижобий тафовут (маҳаллий хом ашё ва материалларнинг арзонлиги);

маҳсулот маҳаллийлаштириш дастурига киритилганлиги учун берилган солиқ имтиёзлари.

"SAMO" МЧЖнинг "Антигриппин №10" маҳсулоти бўйича оладиган фойдаси 258331,46 минг сўмни ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан 86041,31 минг сўмга ўсган. Жумладан, маҳаллийлаштиришнинг юқорида санаб ўтилган ижобий таъсирлари натижасида "Антигриппин №10" маҳсулотининг фойдалилиги 92880,26 минг сўмга ошган. Маҳаллийлаштириш имтиёзлари ҳисобига фойданинг ўсиши ўтган йилга нисбатан 17981,01 минг сўмни ташкил этганлиги маҳаллийлаштиришнинг корхона учун қанчалик аҳамиятга эгаллигини кўрсатмоқда.

"SAMO" МЧЖда 31 хил турдаги фармацевтик маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини ҳисобга оладиган бўлсак (шундан 22 хил маҳсулот маҳаллийлаштириш асосида ишлаб чиқарилади), маҳаллийлаштиришнинг корхона учун қанчалик фойдали эканлигини билишимиз мумкин.

Бу борада билимларимизни янада кенгайтириш учун корхонанинг "Антигриппин №10" маҳсулоти бўйича оладиган фойдасининг ўзгаришига сотиш ҳажми, маҳсулот баҳоси ва таннархи ўзгаришининг таъсирини ўрганиш ҳам муҳимдир (3-жадвал).

¹ Манба: Зангиота туманидаги "SAMO" МЧЖ ҳисоб тизими маълумотлари.

3-жадвал. "SAMO" МЧЖда "Антигриппин №10" маҳсулоти бўйича олинган фойданинг омилли таҳлили¹

	Кўрсаткичлар	Ўтган йили	Ҳисобот йилида сотиш ҳажми ўтган йил баҳоси ҳамда таннархида	Ҳисобот йили
	A	B	C	D
1.	Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан олинган соф тушум, сўм (QP)	QOP0 461569050	Q1P0 600507225	Q1P1 619391100
2.	Сотилган маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ишлаб чиқариш таннархи, сўм (QS)	QOS0 312357420	Q1S0 406380990	Q1S1 392029245
3.	Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан олинган ялпи фойда, сўм (Q(P-S))	Q0(P0-S0) 149211630	Q1(P0-S0) 194126235	Q1(P1-S1) 227361855

Бу ерда Q1, Q0 – ҳисобот йили ҳамда ўтган йили сотилган маҳсулот ҳажми, дона;
P1, P0 – ҳисобот йили ҳамда ўтган йили сотилган маҳсулот баҳоси, сўм;
S1, S0 – ҳисобот йили ҳамда ўтган йили сотилган маҳсулот таннархи, сўм.

3-жадвал маълумотлари асосида маҳсулот сотишдан олинган фойдага қуйидаги омиллар таъсирини аниқлаймиз:

1. Фойда ўзгаришига сотиш ҳажми ўзгаришининг таъсири:

$$\Delta\Phi_q = \Phi_0 * \left(\frac{Q_1P_0}{Q_0P_0} - 1 \right) = 14921,63 * \left(\frac{600507,225}{461569,05} - 1 \right) = 44914,605 \text{ минг сўм}$$

2. Фойда ўзгаришига маҳсулот баҳоси ўзгаришининг таъсири:

$$\Delta\Phi_p = Q_1P_1 - Q_1P_0 = 619391,1 - 600507,225 = 18883,875 \text{ минг сўм}$$

3. Фойда ўзгаришига маҳсулот таннархи ўзгаришининг таъсири:

$$\Delta\Phi_s = S_0Q_1 - S_1Q_1 = 406380,99 - 392029,245 = 14351,745 \text{ минг сўм}$$

4. Омиллар таъсири йиғиндиси:

$$\Delta\Phi = \Delta\Phi_q + \Delta\Phi_p + \Delta\Phi_s = 44914,605 + 18883,875 + 14351,745 = 78150,225$$

Ҳар уч омил таъсирида маҳсулот сотишдан фойда 78150,225 (227361,855 – 149211,630) минг сўмга ошган.

Албатта, юқорида кўрсатиб ўтилган корхона фойдасининг шаклланишида маҳаллийлаштириш шароити ҳамда омилининг таъсири катта. Шу жойда таъкидлаб ўтиш керакки, таҳлил натижасида мазкур шароит ва омил фақат корхона учун фойда келтирар экан, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Буни қуйидаги ҳолатда яққол кўришимиз мумкин (4-жадвал).

Зангиота туманидаги "SAMO" МЧЖнинг "Антигриппин №10" маҳсулоти пировард натижада халқимизга арзон нархларда ишлаб чиқарилиб, етказиб берилмоқда. Агар мазкур корхона 22 хилдаги фармацевтика дори воситаларини маҳаллийлаштирганини эътиборга оладиган бўлсак, бу ҳолат ҳам корхона, ҳам халқимизга қанчалик наф келтираётганлигини билиш мумкин. Мазкур ҳисоб-китобларни туман, вилоят, тармоқ ҳамда республика бўйича умумлаштирилса, маҳаллийлаштириш тадбирининг нақадар аҳамиятли эканини тасавур қилиш мумкин.

Сўзимиз якунида айтишимиз керакки, юқорида қайд этилган кўрсаткичлар ва уларнинг ўрганиш тартиби маҳаллийлаштириш дастурига кирган корхоналарни ҳамда уларнинг маҳсулотларини барча томондан тўлиқ таҳлил қилиб бера олади, деган фикрдан йироқдамиз. Чунки иқтисодий таҳлил ишлари турли мақсад ҳамда ундан келиб чиқадиган ёндашувлар асосида ўтказилиши мумкин. Бу

¹ Манба: Зангиота туманидаги "SAMO" МЧЖ ҳисоб тизими маълумотлари.

4-жадвал. Маҳаллийлаштирилган “Антигриппин №10” маҳсулоти билан айнан ўринбосар импорт маҳсулоти баҳоси фарқи¹

Маҳсулот номи	“Антигриппин №10”	Импорт маҳсулотларининг баҳоси		Фарқи (+/-)	
		минимум	максимум	минимум	максимум
Баҳоси (улгуржи)	820	2160	5058	1340	4238

жиҳатдан улар турли хил ва кўринишларда амалга оширилиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Таклиф қилинаётган тартиблар эса амалдаги анъанавий тартибдан фарқ қилиб, ўзига хос шакл ва мазмунга эга. Мазкур тартиб ҳамда кўрсаткичлардан амалда фойдаланиш маҳаллийлаштирилган маҳсулотдан эришиладиган фойданинг ўзига хос ва зарур томонларини аниқ билиш билан устунлик касб этади.

Хулоса қилиб айтганда, биз томондан таклиф ва тавсия қилинган ёндашувнинг энг асосий жиҳати маҳаллийлаштирилган маҳсулотдан олинadиган фойданинг амалдаги тартиб билан биргаликда яна қандай асосларда иқтисодий таҳлил қилиш керак, деган саволга жавоб берилишидир. Таъкидлаб ўтиш керакки, иқтисодий таҳлил ижодий жараён.

Уни таҳлилчилар мақсадларига мувофиқ турли асосларда амалга ошириш мумкин. Мисол учун, горизонтал, вертикал, трендли, коэффицентли, эвристик, тизимли, комплексли, омилли, иқтисодий-математик, анъанавий усулларда ва бошқалар. Бундан келиб чиқадиги, рақобатдош иқтисодиётни шакллантириш шароитида мамлакатимиз корхоналарида рўй бераётган маҳаллийлаштириш жараёнлари ва унинг натижалари, маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий фойдаси каби муносабатларни кенг кўламда ҳамда чуқур ўрганиш зарурати мавжуд. Бу эса соҳадаги илмий ходимлар, мутахассислар ва амалиётчилардан ушбу муносабатларга тегишли янги-янги ижодий фикрларни талаб этади.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. // “Халқ сўзи” газетаси, 2012 йил 20 январь, №14.
2. Каримов И.А. 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. // www.president.uz
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси тўғрисида ахборот. 2013 йил 22 октябрь. // “Халқ сўзи” газетаси, 2013 йил 23 октябрь, № 207.
4. Положение о порядке формирования Программы локализации производства готовой продукции, комплектующих изделий и материалов на основе промышленной кооперации. Приложение №1 к Постановлению КМ РУз от 21.07.2010 г. №154.
5. “Тежамкорликнинг концептуал асослари ва унинг ижтимоий-иқтисодий шарт шароитлари” мавзусидаги олий ўқув юртлараро илмий-амалий анжуман материаллари. – Т.: ТМИ, 2013 йил 28 ноябрь. –276-б.
6. “Рақобатбардош иқтисодиётни ривожлантириш шароитида бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитнинг долзарб масалалари” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: ТМИ, 2013 йил 14 декабрь.

¹ Манба: Зангиота туманидаги “SAMO” МЧЖ ҳисоб тизими маълумотлари ва www.asklepiy.uz 2014 йил 6 январдаги баҳолар рўйхати, www.oxu-med.uz 2014 йил 9 январдаги баҳолар рўйхати маълумотлари.